



130

QAROR

№ 73-15.

2008 йил "29" феврал

Оқдарё тумани М.Улугбек номли массиви-
даги «Хазрат бобо» фермер хужалигида
ташкил қилинган фермасига озука
экинларини экиб фойдаланишга ер ажратиш
туғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужалиги туғрисида»ги қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22-августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан утказиш ва ҳисобга қуйиш тизимини такомиллаштириш туғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23-мартдаги ПК-308-сонли ва Самарқанд вилоят ҳокимининг 2006 йил 25-мартдаги 54-К-сонли қарорлари, Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлигининг 2006 йил 28-мартдаги 69-сонли «Шахсий ёрдамчи дехкон ва фермер хужаликларига чорва молларини қупайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги буйругига ва Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 53-моддасига асосан ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2008 йил 28-январдаги 3-3/4-104-сонли қарори паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳаларини ривожлантириш туғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Хазрат бобо» фермер хужалиги аъзоларининг 2008 йил 12-январдаги 1-сонли умумий йигилиш қарорини, туман ҳокимлиги ер танлаш комиссиясининг 2008 йил 20-февралдаги далолатномасини, ер ажратиш (реализация қилиш) буйича доимий ишловчи комиссиясининг 2008 йил 22-февралдаги ҳулосасини ва «Хазрат бобо» фермер хужалиги раиси Ш.Ҳакимовнинг ёзган аризасини куриб чиқиб

КАРОР ҚИЛАМАН:

- 1.Тумандаги М.Улугбек номли массиви худудидаги «Хазрат бобо» фермер хужалиги аъзоларининг 1000 бош паррандаларига фермахона биноси қурилиши учун 0,05 гектар ва озука экинларини экиб фойдаланишга 2,0 гектар сугориб ҳайдаладиган ердан ажратиш туғрисидаги 2008 йил 17-январдаги 1-сонли умумий йигилиш қарори, туман ҳокимлиги ер танлаш комиссиясининг 2008 йил 20-февралдаги далолатномаси ҳамда ер ажратиш (реализация қилиш) буйича доимий ишловчи комиссиясининг 2008 йил 22-февралдаги ҳулосаси тасдиқлансин.
- 2.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиги (Ж.Рустамов)га «Хазрат бобо» фермер хужалигининг еридан оқилона фойдаланишни назорат қилиш топширилсин.
- 3.Туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Ахмедов)га «Хазрат бобо» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш;
-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га «Хазрат бобо» фермер хужалигини статистик ҳисоботларини туғри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.
- 4.2008 йил кишлоқ хужалиги экинларини режалаштиришда «Хазрат бобо» фермер хужалигининг ҳамда статистика бўлимларига уз вақтида ҳисобот бериш вазифаси юклатилсин.
- 5.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туғрисида туман ҳокимининг биринчи уринбосари мавжуд паррандалари учун озука экинларини жойлаштириш инобатга олинсин.
- 6.Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими:-

Н.Бердибоев